

ЁШЛАРДА КАСБИЙ МОТИВЛАРНИ ОШИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Иззатова Шарифа Толибовна

*Бухоро вилояти, Вобкент туманидаги
22-мактаб психологи*

Бугунги кунда психология соҳаларининг асосий тадқиқот йўналишларидан бири-бу ёшларда касбий мотивларни тадқиқ этишдан иборат. Аксарият тадқиқотлардаги мазкур мавзу замонамизнинг ижтимоий зарурати сифатида кун мавзусига айланиб бормоқда. Бунга сабаб бугунги кунда реал ва вертуал олам орасидаги ноадекватлик масаласи ва мазкур жараённинг мураккаблашиб бораётганлигини кўплаб замонавий тадқиқотларни асосий хулосаларидан ҳам билиш қийин эмас.

Бугунги кунда ёшлар касбий мотивларини оширишда психологик механизм сифатида ёшларнинг касб фаолияти билан боғлиқ мотивациялари асосан қуйидаги жиҳатларда, яъни, меҳнат фаолияти мотивлари, касб танлаш мотивлари, иш жойини танлаш мотивларида намаён бўлмоқда.

Бунда ёшлар ўз жамоасига фойда тегишини англаш, бошқа инсонларга ёрдам бериш истаги, меҳнат фаолиятида ижтимоий установканинг зарурлиги ва бошқаларга нисбатан тобеликни ҳоҳламаслик каби мотивлар кўзга ташланмоқда.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича ёшлар касб фаолияти мотивлари хилмахил бўлиб, улар ўзига хос қуйидаги психологик омиллар билан белгиланади. Яъни, ўзини-ўзи фаоллаштириш, ривожлантириш, ўзини намоён қилиш эҳтиёжларининг қондирилиши ва ўзи, оиласи учун моддий маблағнинг орттирилиши, моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши учун пул ишлаб топиш мотивларидир.

Адабиётлар таҳлилида қуйидаги хорижий тадқиқотларга аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Яъни, ёшларни иш жойини ва касбни танлаш мотивлари тадқиқотчи Э.С.Чучунай қуйидагича классификациялар билан изоҳлаб ўтган. Жумладан,

- Доминант (касбга қизиқишнинг устун туриши).
- Вазият билан боғлиқ (ҳар доим инсонни қизиқтириб келган шарт шароитларни рўёбга чиқариш).
- Комформист.
- Касбий мотивациялар (ўзига яқин ижтимоий оламнинг яъни яқинларини, дўст ва танишларининг маслаҳатлари билан).

Ёшларни касбий шакланг анлик даражаларида - меҳнат субъектининг касбга эгаллик қилиш даражаси ва аниқ меҳнат фаолиятида касбий муҳим

хусусиятлар, билим, кўникма, тажриба ва маҳоратларнинг шаклланиши ва намоён бўлиши асосида ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиши сифатида қўлланилса. Касбий маҳорат сифатида - меҳнат субъектининг аниқ бир фаолият соҳасида юқори даражадаги касбий малакаларга эгаллиги ва касбий малакаси сифатида эса касбий шаклланганлик даражасини аниқлаш учун шахснинг сифат ва миқдор жиҳатидан касбий тайёргарлик даражасини, фаолият самарадорлигини, иш қобилиятини, касбий яроқлилигини, ўз устида ишлашининг мувафаққиятлилигини акс эттирувчи мутахассиснинг тушунчаси билан изоҳлаш мумкин.

Ёшларни касбий мотивларини оширишда уларнинг қуйидаги компетенлик даражаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Яъни, махсус касбий компетентлик (меҳнат жараёнини амалга оширишда), ижтимоий касбий компетентлик (ҳамкорликдаги фаолиятни амалга оширишда), шахсий ва касбий компетентлик адекватлиги (ўзини ўзи бошқариш, такомиллаштириш ҳамда шахсий ва касбий сифатларни бирбирига мувоқиқлик даражаларига) каби компетенликлар шулар жумласидандир.

Ёшларда касблар тўғрисида ҳар хил муносабатлар ҳосил бўлишининг асосий сабаблардан бири - бу мактаб ўқувчиларида касб танлаш жараёнида турли хил мотивларнинг намоён бўлишидир. Мотивлар ўртасидаги кураш уларнинг у ёки бу қарорга келишларига сабаб бўлади. Бизнингча, воқеликка онгли муносабатда бўлиш объектив ва катъий қарорни келтириб чиқаради.

Тадқиқотчи В.А.Крутецкий ёшларда учраши мумкин бўлган касбий мотивлардан қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади:

1. Бирор ўқув фанига нисбатан қизиқишнинг мавжудлиги.
2. Ватанга фойда келтириш истаги (ўзларининг индивидуал психологик хусусиятлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда).
3. Шахсий қобилиятани рўқач қилиб кўрсатиш .
4. Оилавий анъаналарга риоя қилиши (ворислик).
5. Дўстлари ва тенгқурларидан ўрнак олганлиги.
6. Иш жойининг ва ўқув юртининг уйга яқинлиги.
7. Моддий таъминланганлик.
8. Ўқув юрти кўринишининг чиройлилиги ёки унга жойлашишнинг осонлиги сингари мотивлардир.

Бундан ташқари, ёшларда бошқа турдаги мотивлар ҳам мавжуд бўлади. Улар қаторига шахснинг бирор касбга, фанга мойиллиги, ўз олдида қўйган мақсади, унга интилиши, қунти, касб тўғрисидаги маълумоти, унинг сихат-саломатлиги, асаб тизимининг хусусияти ва темпераментининг хосиятлари каби мотивларни санаб ўтиш мумкин.

Бирок мотивларнинг бошка хиллари ҳам учрайди. Лекин ҳолатнинг ўзгаришига қараб улардан униси ёки буниси бош мақсадга айланиб туради.

Мазкур ҳолатни тадқиқ этган йирик психолог Е.А.Климов ёшлар касб танлаш кезида биринчидан, бирор касбнинг «нуфузли эканлигига» баҳс боришдаги доғмаларга асосланиш, иккинчидан, касбга узоқ ва ноаниқ тасаввурга биноан баҳо бериш, учинчидан, бирор касб эгаси бўлмиш кишига нисбатан ижобий ёки салбий муносабатда бўлишни тегишли касбга кўчириш, тўртинчидан, касбнинг оддий кундалик томонини назар-писанд қилмасдан, унинг ташқи томонига, сиртига маҳлиё бўлиш, бешинчидан, тенгқурларининг таъсири остида «компания учун» касб танлаш каби хатоликларга дуч келиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади.

Ёшлар касб танлаш тўғрисида яққол тасаввурга эга бўлмаганликлари боисдан кўпроқ хатога йўл кўядилар. Танланган ёки танланиши зарур бўлган касб ундан қандай шахс фазилатларининг талаб қилишини тушуниб етмайдилар. Улар ўз лаёқатларини оқилона баҳолашга қурби етмаганлиги учун у ёки бу касбни эгаллаганда қандай тезликда ва аниқликда ҳаракат қилишлигини, сезиш ва идрок қилиш хусусиятларини, асаб тизимининг мувофиқлашиши мумкинлигини билмайдилар.

Шунинг учун юқорида баён қилиб ўтилган хатоларга йўл кўядилар. Бирок ҳозирги даврда бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун қуйидаги педагогик-психологик омил ва механизмларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. Касбларни ўрганиш методларини ишлаб чиқиш, уларни классификациялаш ва лўнда қилиб ифодалаш.

2. Ўқитувчининг касбим билимларга қаратилган тарғибот ишларини замонавий технологиялар асосида олиб бориш, ўқитувчилар билан касбга доир индивидуал консультациялар - маслаҳатлар уюштириш, ёшлар ва уларнинг ота-онаси билан касбга йўналтириш методикасини биргаликда кўздан кечириш.

3. Ёшларни касбнинг асосий гуруҳлари, турлари билан яқиндан таништириш фазилатлари ҳамда касб ўрганишнинг йўллари билан таништиришни ташкил қилиш.

4. Мехнат таълими дарсларида ўқувчиларда дастлабки касбий тайёргарликни юзага келтириш ва унга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш.

3. Психодиагностик ва касб танлашга доир замонавий, таъсирчан методларни амалиётга тадбиқ қилишга мослаштирилган турларини ишлаб чиқиш.

6. Туман ва шаҳарларда замон талабига жавоб берадиган касб танлаш марказларини жихозлаш.

7. Касбни онгли танлаш тарғиботи бўйича ОАВ ларидан фойдаланиш.

Маҳаллий тадқиқотларда психолог М.Г.Давлетшин касбий мотив ва онгли касб танлашнинг уч босқичдан келиб чиққан ҳолда (касб маорифи, касбий маслаҳат, касбга йўналтириш) ёшларнинг касб-хунарга яроқлилигининг ички томонларини очишга ҳаракат қилади: Яъни,

а) кадр танлаш даврида шахснинг умумий яроқлилиги;

б) касб-хунар танлашда унинг қайси турига лойиқлиги;

в) касбга ўргатишда шахс сифатларини шакллантириш имкониятининг мавжудлиги.

Муаллифнинг фикрича, ёшларнинг касбга яроқлилигини аниқлаганда уч муҳим нарсага эътибор қилиш мақсадга мувофиқдир. Касбга муносабат, қобилият, кўникма ва малакалар. Одамнинг касбга яроқлилигини аниқлашда унинг кизиқиши, иродаси, қобилияти, махсус билими, кўникмаларининг жипс алоқасини ифодалаган ҳолда олиб қараш оқилона йўлдир.

Юритилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, касб-хунар тўғрисида ахборот, касб хақида консултация воситалари онгли касб танлаш учун етарли эмас. Шунинг учун ёшларнинг билиш фаолиятини, билиш мотивларини фаоллаштириш, уларни мустақил билим олишга ўргатиш касб танлашда ўз кучини муайян фаолиятда синаб кўришга имконият яратади.

Тадқиқотимизга ҳулоса ясайдиган бўлсак, юқоридаги асосли фикрларга таяниб, ёшлар касбий мотивларини оширишнинг психологик механизмлари сифатида дастлаб уларнинг касбий мотивларини ўрганиш, касбий мотивлар тизимини ишлаб чиқиш, касбий мотивларини юзага келтириш, объектив ва субъектив, бирламчи ва иккиламчи касбий мотивлар хусусиятларини тадқиқ қилиш ва мазкур жараён бўйича таъсирчан бир бутун механизм ишлаб чиқиш ёшларни онгли касбга йўналтиришнинг устувор вазифаларидан биридир. Зеро, ёшларда ҳар бир касбга нисбатан завқланиш, шавқланиш ҳиссини юзага келтириш орқали касбий мотивларни ошириш ва шу асосида ёшларни ўзини-ўзи ривожлантириш, ўз касбини етук мутахассиси бўлиб етиши барчамизни ва мамлакатимиз тараққиёти гаровидир.